Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 29 март, шанба • № 26 (10.904) • Эркин нархда сотилади

МДҲ: НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

МОСКВА, 28 март. (ЎзА махсус мухбири Аҳмад Хўжа хабар қилади). Кеча Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари кенгашининг навбатдаги — юбилей учрашувида иштирок этиш учун бу ерга келди. Внуково аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари В. Серов, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Шоҳалилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун Кремлда МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Шундан сўнг Кремлнинг Екатерина залида МДҲ мамлакатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Мажлисларда МДҲ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши, интеграция жараёнини тезлаштириш концепцияси, коллектив хавфсизликни таъминлаш ҳамда Ҳамдўстлик истиқболи билан боғлиқ ўндан ортиқ масала кўриб чиқилди. Бу борада тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Кремлнинг матбуот марказида давлат бошлиқларининг журналистлар билан учрашуви бўлди. Улар мухбирларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашуви кутилмоқда. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протокол имзоланади.

(ЎзА).

ЎЗЛАШТИРИБ ОЛИШДИ

Янгийўл тумани хўжаликларида пленка остига чигит экиш тобора авж олмоқда

Бободеҳқон далада

КУНЛАР илиши билан далалар жонланиб кетди. Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалигининг Саидаҳмад Раҳимхўжаев бошлиқ бригадаси. Бригаданинг 40 нафар аъзолари далага «кўчиб» чиққанлар. Уларнинг баъзилари ерга барака уруғи қадаб кетаётган иккита сеялкалар ортидан юриб, пленка «кўзини» очиб боришяпти. Кўпларнинг қўлида чириган ва эланган гўнг тўлдирилган челаклар, чигит тушган тешик устига бир кафтдан ўғит солиб, текислаб бораётирлар.

— Бу ҳар эҳтимолга қарши чора, — дейди бригада бошлиғи Саидаҳмад Раҳимхўжаев. — Эрта-индин ёмғир ёғса қатқалоқ бўлиши олдини ҳам оляпмиз. Шундай қилсак униб чиққан ниҳолларнинг таги юмшоқлигича сақланади.

— Бу йил 160 гектар ерда шу тажрибани қўлламоқчимиз, — деди раис. — Имкониятига қараб ҳар бир бригадада 10-15 гектардан майдонга чигитни пленка остига экамиз.

Хўжаликда янгича усулда пахта етиштиришга барвақт ҳозирлик кўрилди. Ҳар гектар ер ҳисобига 55 килограммдан, жами 9 тонна пленка, 3 та махсус сеялка сотиб олинди. Бригада бошлиқлари ва механизаторлар тажриба мактабида ўқиб, андижонликлар услубини ўрганиб қайтишди.

Саидаҳмад Раҳимхўжаев мактабдан қайтган куниёқ 15 гектарлик яхлит карта бошида бригаданинг барча аъзоларини тўпладида, уларга пленка остига чигит экиш йўл-йўриқларини ўргатди, кимнинг қандай юмушни бажаришини тайинлади. Экин майдони текисланиб, уч марта молаланди. Ҳар гектар ерга 200 килограммдан карбомид солинди. Мана, икки кундирки, хўжаликнинг энг тажрибали механизаторларидан Абдуғани Юнусов ва Абдуқаҳҳор Собиров бригадада туксизлантирилган ва кимёвий дориланган чигитни экишни бошлаб юборишди. Дастлабки кунда уч гектарга барака уруғи қадалди. Эртаси куни ҳам шунча ерга чигит экилди.

Хўжаликнинг Эргаш Асроркулов ва Обид Комилов бошлиқ бригадаларида ҳам пленка остига чигит экиш тезлашмоқда. Бошқарув раиси Миробид Мирбобоев бошлиқ муваққат текширув гуруҳи ҳар бир бригадада бўлиб, экишнинг қай тарзда бораётганлигини, техникадан самарали фойдаланиш, чигит, пленка, ёнилғиларнинг ўз вақтида келтирилиши, шунингдек, далада ишлаётганларга зарур шароитлар яратилишини ҳам қаттиқ назорат қилиб бормоқда.

— Хўжалигимизда бу йил 635 гектар майдонда пахта етиштирилади. Шундан 160 гектарида чигит пленка остига экилади, — дейди хўжалик ҳосилоти Эркин Мирзаев. — Бу кунга жуда эрта тайёргарлик кўриб қўйганмиз. Фақат об-ҳаво ўзгармай турса бўлгани. Узоғи билан бир ҳафта-ўн кунда экишни сифатли қилиб ўтказиб оламиз.

Тумандаги «Туркистон» жамоа хўжалигида ҳам чигит экиш қизғин борянпти. Бу ерда 980 гектар майдонда пахта етиштирилади. Шундан 180 гектарида андижонликлар усулида чигит экиш режалаштирилган. Озод Хошимов, Қаҳрамон Тўлаганов бошлиқ бригадалар хўжаликда биринчи бўлиб янгича усулда ерга уруғ қадашга киришдилар.

— Бизга бу усул тўғри келади, — дейди Озод Хошимов, — негаки ғўза парвариши давомида культивация ва суғориш ишлари анча камаяди. Пленка тупроқдаги намликни яхши сақлайди. Ғўзанинг илдизи тез ривожланиб, ҳосил кўпаяди. 20 августданоқ йиғим-теримни бошлаб юбориш имкониятларига эга бўламиз.

Бу йил янгийўлликлар 7640 гектар пахта майдонининг 1020 гектарида пленка остига чигит экишни режалаб қўйдилар. Туман ҳокими Йўлдош Тожибоев билан шу ҳақда суҳбатлашар эканмиз, у экиш мавсумига қандай тайёргарлик кўрилганлигини сўзлаб берди. 26 та сеялка ва 56 тонна пленка хўжаликларга тарқатилди. Барча экин майдонлари сеялкалар киришига тайёрлаб қўйилибди. 603 тонна чигит дорилланган. Тажриба даласида хўжаликлардан келган бригада бошлиқлари ва механизаторлар ерни экишга тайёрлаш ва пленка остига чигит экиш йўл-йўриқларини обдон ўрганишди.

— Бу йил гектар бошига камида 26 центнердан, жами салкам 20 минг тонна пахта етиштириш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланамиз, — дейди ҳоким Йўлдош Тожибоев.

Куз хирмонини баҳорги экиш суръати белгилайди, деган гап бор деҳқонларда. Чигит экиш намунали олиб борилаётган экан, деҳқоннинг нияти албатта йўлдоши бўлади.

Рафиқ ТУРСУНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Бекобод туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалиги пахтакорлари белгиланган майдонларга янги усулда чигит экишни тезроқ тугаллаш ҳаракатини қилмоқдалар. Суратда: жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Неъматжон Усанов, назоратчи Камолиддин Абдураззоқов ва бош ҳосилот Жўра Яхшибоевлар экиш сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.





ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«ШОХНУР»ГА МАРҲАБО!

«ШОХНУР» хусусий корхонаси хизматидан фойдаланмаган бекободликлар жуда кам топилса керак. Бундан бир ярим йил илгари синган маиший хизмат уйи ўрнида ташкил этилган бу кичик корхона жамоаси қисқа муддатда иш ҳажмини бир неча баравар оширди.

Бунга аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ҳисобига эришилди. Улар ўн хилдан ошиб кетди. Яқиндан бошлаб яна бир хизмат тури йўлга қўйилди. Телефон жиҳозларини таъмирлаш устахонаси ишга туширилди. Ҳозир корхона жамоаси якка тартибдаги буюртмалар асосида кийим-кечаклар тикиш, рўзғор буюмларини таъмирлаш, савдо ва умумий овқатланиш хизмати кўрсатиш ва бошқа шу каби ишларни бажармоқда. Модалар ателъеси, эркаклар ва аёллар сартарошхонаси ишлаб турибди. Йилнинг ўтган ойларида аҳолига жами уч миллион сўмликдан ортиқ ҳажмда хизмат кўрсатилди.

Собир МАҲМУДОВ.

«ЯНГИ ҲАЁТ»НИНГ ЯНГИ КУНИ

БУ ЙИЛГИ Наврўз айёми Оҳангарон туманидаги «Янги ҳаёт» хўжалиги учун том маънода янги куннинг бошланиши бўлди.

Илгарилари аҳолига мўл гўшт етказиб берган бу бўрдоқичилик хўжалиги кейинги пайтда анча оғир аҳволга тушиб қолган эди. Яқинда Туркиянинг «Демир» фирмаси вакиллари билан ҳамкорликда саноатлаштирилган бўрдоқичилик мажмуи базасида «Дем-эт» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасини тузишга қарор қилинди. Бу қўшма корхонага туркиялик ишбилармонлар 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратдилар.

Қўшма корхонанинг истиқболи порлоқ. Яқин келажакда бу ерда гўштни қайта ишлаш корхонаси барпо этиш, шунингдек, турли хилдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, 2000 йилгача эса боқиладиган қорамоллар сонини 15 минг бошга етказиш мўлжалланмоқда. Айни кунларда бу қўшма корхона ўз акциялари билан қимматбаҳо қоғозлар бозорига чиқиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Шундай қилиб вилоятимизда аҳоли эҳтиёжига хизмат қилувчи яна бир қўшма корхона иш бошлади.

АЁЛЛАР БОҒИ

МЕҲРИБОН Тожиева бир неча йилдирки, Қибрай туманидаги Ўнқўрғон қишлоғи фуқаролар йиғинига раислик қилади. У ўзига ўхшаган фидойи аёлларни ёнига олиб, бирор хайрли ишга қўл уришни яхши кўради. Бу йил ҳам шундай бўлди. Меҳрибон опанинг ташаббуси билан қишлоқнинг бир гуруҳ аёллари янгидан боғ яратишга аҳд қилдилар. Шу мақсадда ташландиқ бўлиб ётган катта майдон танланди, тозаланди, ҳайдалди, чопиқ қилинди, ўғитланди. Аёллар ташаббусидан хабар топган Шредер номли боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Маҳмуд ака Мирзаев саховат кўрсатди. 2000 туп мевали кўчатларни етказиб берди. Эгатлар олиниб, тайёрлаб қўйилган ерларга мевали дарахт кўчатлари экилди.

Мирюсуф ШОЮСУФЗОДА.

УНИ КАВАРДОНДА БИЛИШАРДИ

Йўллар ортимизда қолар эдилар,
Сахролар қоларди чексиз бетакрор.
Нега улар чексиз, десам дедилар:
Бу ердан ўтганди Абдулла Қаҳҳор...

Абдулла ОРИПОВ.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат ва Ҳамза номидаги мукофотлар соҳиби Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётининг ривожига, айниқса, проза ва драма жанрларининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган ёзувчилардан бири эди. Агар Абдулла Қаҳҳор ҳаёт бўлганида бу йил 90 ёшга тўлган бўларди.

Шу кунларда Абдулла Қаҳҳор таваллудига бағишланган қизиқарли кеча ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида бўлиб ўтди. Бу тадбирнинг айнан шу қишлоқда ўтказилиши бежиз эмас. Чунки Абдулла Қаҳҳор ҳаётлик чоғларида сўлим Кавардон қишлоғига бир неча бор ташриф туюрган ва бу ернинг сертаклуф одамлари билан яқиндан танишган эди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Юқоричирчиқ туман бўлими ҳамда қишлоқ кутубхонаси ходимлари билан биргаликда ўтказилди.

3-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб бўлган «Тобутдан товуш», «Аяжонларим», «Синчалак» асарларидан тайёрланган сахна кўринишларини намойиш этишди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ДУРКУН ҚЎЗИЛАР

ПАРКЕНТ тумани чўпонлари қўзилатиш мавсумини тугалладилар. Улар ҳар юз бош совлиқдан 91 бошдан, жами 12 минг 385 бош қўзи олдилар. Қўзиларнинг ҳаммаси ўстиришга қолдирилди. «Бойқозон» халқ корпорацияси қўйчивонларининг ютуғи, айниқса, катта бўлди. Улар ҳар юз бош совлиқдан 105 тадан, «Бўстон» ширкатлар уюшмасида 95 тадан, «Чанги» жамоа хўжалигида эса 94 тадан қўзи олинди. «Бўстон» ширкатлар уюшмасининг тажрибали чўпонларидан Рустам Нодиров, Жумабек Нурматовлар ҳар юз бош совлиқдан 98 тадан қўзи олиб, пешқадамлик қилишди. Хўжалик бошқаруви рағбатлантириш мақсадида чўпонларни биттадан семиз қўй, пул ва қимматбаҳо буюмлар билан мукофотлади.

Жамолиддин АБДИЕВ.

Расмий ташриф олдидан

ЎЗБЕКИСТОН — ГРЕЦИЯ: ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ГРЕЦИЯ Республикаси Болқон ярим оролининг жанубида жойлашган давлатлардан биридир. Ҳудуди 132 минг кв. км., аҳолиси 10,85 миллион киши. Пойтахти — Афина. Греция конституцияси 1975 йил 7 июнда қабул қилинган. 25 март — мамлакатнинг миллий байрами куни ҳисобланади. Давлат бошлиғи — Президент.

Греция биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 2 мартда тан олди. Ўша йил 16 мартда эса Ўзбекистон билан Греция ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатдилар. Ўртадаги ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар тобора ривожланиб бормоқда. Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 15,36 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Айни пайтда Ўзбекистонда турли соҳаларга хос 12 та ўзбек-грек қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 31 мартдан 2 апрелга қадар расмий ташриф билан Греция Республикасида бўлади. Президентимизнинг ушбу ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатлар солномасида, шубҳасиз, янги саҳифалар очади. Президентимиз сафари арафасида «Жаҳон» ахборот маҳкамасининг махсус мухбири Греция республикаси Президенти Константинос Стефанопулосга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Жаноби олийлари, Сиз Ўзбекистон билан Греция ўртасидаги ҳозирги муносабатлар савиясини қандай баҳолайсиз?

— Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар яхши ҳолатда, деб ҳисоблайман. «Совуқ уруш» тугаб, собиқ совет иттифоқи ҳудудида янги демократик давлатлар вужудга келгач, мазкур муносабатлар ўз тадрижида сезиларли даражада олға силжиди. Шунингдек, мен уларни келажакда янада ривож топтириш учун улкан имкониятлар борлигига аминман. Шарқда Буюк Александр Македонский — Зулқарнайн даврига алоҳида самимий қизиқиш борлигини ҳам биламан. Зотан, бу сиймога нисбатан бу ерда — Грециядa ҳам эътибор катта. Ушбу далилдан келиб чиқиб, бизларнинг иккала мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар чуқур тарихий илдизга эгадир, деб таъкидламоқчиман. Бугунга келиб бу алоқалар жараёни яққол юксалмоқда.

Сизнинг мамлакатингизга Греция расмий делегацияларининг ташрифлари амалга оширилди. Ўтган йил ноябрида Греция ташқи ишлар вазири Теодор Пангалос Ўзбекистонга сафар қилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташрифидан Сиз, Греция давлати бошлиғи сифатида нималар кутяпсиз?

— Ислом Каримовнинг бўлажак ташрифини биз каттa қизиқиш билан кутяпмиз. Уни биз муносабатларимизда ўта муҳим босқич деб ҳисоблаяпмиз. Бизлар олий меҳмонимизга грекча анъанавий меҳмоннавозлик кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Президент И. Каримов билан музокаралар пайтида биз икки томонлама муносабатларимизни муҳокама этамиз, бир-биримизнинг Ўзбекистон — Греция муносабатлари истиқболига дахлдор фикрларимизни қизиқиш билан эшитамиз.

Ташриф давомида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланади. Уларнинг энг муҳими — Ўзбекистон билан Греция ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бўлади.

— Давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар истиқболи, Сизнинг наздингизда, қандай бўлади?

— Муносабатларимиз ривожининг истиқболи бевосита ҳар иккала давлатга, Президент Ислом Каримовнинг Грециягa ташрифи якунларининг қандай амалга оширилишига боғлиқ бўлади. Иқтисодиёт ва маданиятнинг турли соҳаларига доир ҳамкорликларни тараққий эттириш учун бизларнинг мамлакатларимизда зарур имкониятлар бор. Сизнинг мамлакатингизда ишлаётган кишиларга қўшимча равишда грек тадбиркорлари Ўзбекистонда ўз амалиётларини ташкил эта оладилар, деб ўйлайман. Улар фаолияти ҳам мамлакатларимизаро икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Шу билан биргаликда, Греция учун қийин даврларда саховат ва меҳмондўстлик кўрсатилган кўплаб греклар ҳозир Тошкентда яшаётганлигини ҳам эсдан чиқармайман. Албатта, уларнинг сони бугунга келиб анча озайган, лекин, улар Греция ва Ўзбекистон ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўташга етарли бўлади.

Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги интеллектуал ва маданий муносабатлар ҳам яхши истиқболга эга, деган фикрдаман.

Ҳамма нарса ўз имкониятларимиз ва очилаётган истиқболлардан ўзаро манфаатларимизда қандай фойдалана олишимизга боғлиқ бўлади.

Мен мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам лозим даражада ривожланади, деб ишонаман.

Суҳбатни Жамшид МУТАЛОВ олиб борди.

ОВРУПО НАВРЎЗ БАЙРАМИНИ ТОМОША ҚИЛДИ

21 март куни Ўзбекистон пойтахтининг Алишер Навоий номидаги ҳиёбонида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналари Оврупо қитъасининг кўпгина мамлакатларида ва Туркияда томоша қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчихонаси ёрдами билан ТРТ-Авросиё телеканали ходимларидан ташкил топган гуруҳ бу хайрли ишни амалга оширишга бош-қош бўлди. Бу гуруҳ Наврўз байрами шодиёналари дастурини сунъий йўлдош ёрдамида Оврупо ва Осиё мамлакатларига тўғридан-тўғри, жонли тарзда намойиш этди.

Шуни айтиш керакки, Туркияда Наврўз байрами кейинги йилларда урф бўлмоқда. Бу анъанани қайта тиклаш, давлат миқёсида нишонлашга ҳозирлик кўрилмоқда. Шу сабабли Ўзбекистонда Наврўзнинг қандай байрам қилиниши катта қизиқиш билан томоша қилинди. Шу куни қатор Туркия телеканалларида «Ўзбекистонда Наврўз» ҳужжатли телефильми намойиш этилди.

Н. МУҲАММАДИЕВ, «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири

ОДАМЛАР ОРАСИДА

***БУЛТУРГИ** куз кунларининг бири эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги»ги Фармони эълон қилингандан сўнг Пискент тумани маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази «Саодат» кошонасида шу мавзуга бағишланган катта тадбир ўтказди. Унга 700 га яқин одам йиғилди.*

Учрашувга Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ходими Турсуной Содиқова, шоиралар Шарифа Салимова, Дилфуза Шомаликовалар таклиф этилди. Тадбир жуда жонли, қизғин давом этди. Нотиқлар халқнинг дилидаги ўй-фикрларни топиб-топиб гапиришди. Гапирганлар «... ҳар бир кишининг оилада, кўчада, жамоат жойларида ўзини тутиши, тарбияси, салом бериши, билими, урф-одатлар, муҳтожларга ёрдам... ҳаммаси маънавият» деб мухтасар мисоллар келтириб, фикр юритганларида бу оддий ҳақиқатлар одамлар юзида ҳис-ҳаяжон уйғотди.

Пискент тумани маънавият ва маърифат маркази айни пайтда ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда. Марказ касаба уюшмалари, маданият тармоқлари, жамоат ташкилотлари, зиёлилар кучларини бирлаштирган ҳолда саъй-ҳаракат кўрсатмоқдалар.

7-лицей-мактабда «Маънавият ва оила муносабатлари» саҳна кўринишли тадбир ўтказилди. Унда ўқувчилар оила тарбияси, қуда-андачилик муносабатлари, меҳнатга меҳр қўйиш бўйича кичик саҳналарни намойиш қилдилар, сўнг шу мавзуда фикр алмашиш бўлди.

«Амир Темур — Ўрта Осиёда биринчи марказлашган давлат раҳбари» маърифий, илмий-амалий анжуманга ўқитувчилар, шифокорлар, зиёлилар жалб этилди. «Истиқлол ва маънавият» тадбири ҳам ана шу йўналишда ўтказилди.

Касаба уюшмалари фаоллари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ижтимоий ҳимоя — ҳозирги даврнинг бош масаласи» мулоқоти ҳам қизиқарли ўтди. Ҳуқуқий давлат қуриш, қонунчиликка риоя қилиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, республика ҳукумати қарорларининг ижросини таъминлаш ҳақидан олиб борилаётган ишлар тадбирнинг мазмунини ташкил этди. «Темур бобо, номингизни ёд этамиз», «Ватан — менинг саждагоҳим», «Миллий туйғуларимиз», «Она тилимизни севамиз» каби тадбирлар ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Жамоатчилик марказининг энг таъсирчан ва самарали иш усулларидан бири маҳаллий радио ва туман газетаси билан ҳамкорликдаги фаолиятидир. Икки ҳафтада бир марта алоҳида «Маънавият ва маърифат» эшиттириши олиб борилади. Республика мустақиллигига бағишланган «Етмиш икки минг томиримсан, Ватаним» номли туркум эшиттиришлар ҳам тингловчилар эътиборини тортди. Туман «Меҳнат байроғи» газетаси саҳифаларида жамоатчилик маркази томонидан тайёрланган материаллар тез-тез ўрин олмоқда. «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзусидаги энг яхши публицистик асарлар танлови ўтказилди.

Маънавият ва маърифат

— Белгиланган тадбирларимиз кўп, — дейди биз билан суҳбатда марказ раҳбари Башорат Сатторова, — маънавият хазинаси битмас-туганмас. Уларни эл мулкига айлантиришимиз керак. Шунинг учун ҳам маънавият ва маърифат маркази маҳалла жамғармаси билан ҳамкорликда «Маҳалла — маънавият бешиги» туркум тадбирларини ўтказишни режалаштирди. Унда маҳаллаларда турли учрашувлар, суҳбатлар, саволжавоб кечалари, маърузалар уюштирилади. Хонадонларда бўлиш, одамлар билан юзма-юз кўришиш маънавиятни кенг тарғиб қилишдек хайрли ишимизга ижобий мазмун бахш этмоқда.

***Будир ПЎЛАТОВ,** вилоят касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.*

МАМЛАКАТИМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА

БУХОРОДА ХАЛҚАРО БИЗНЕС-СЕМИНАР

БУХОРОда «Вилоятда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш: чет эл сармояларини жалб қилиш имкониятлари» мавзуида халқаро бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унда ўндан ортиқ мамлакатдан келган молия, иқтисод соҳаси мутахассислари, тадбиркорлар, жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, бирлашган миллатлар ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг минтақавий ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, республикамизнинг талай вазирлик ва идоралари ҳамда ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Вилоятнинг бир неча туманида қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа иншоотларни ҳамкорликда бунёд этиш, чорва ҳамда полиз маҳсулотларини қайта ишловчи қўшма корхоналар тузишга келишиб олинди.

«ТЕЗ ЁРДАМ»ГА ЕТМИШТА «ДАМАС»

ФАРҒОНА вилоятида янги «тез ёрдам» машиналари беморларга хизмат кўрсата бошлади. «Ўздэуавто» корхонасида ишлаб чиқарилган «Дамас» русумли бу машиналарда беморларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча қулайликлар муҳайё. Ҳозир вилоятнинг Бешариқ, Кува туманлари, Қувасой ва Марғилон шаҳарлари ҳамда санитария-эпидемиология тармоқлари ихтиёрида йигирмата ана шундай машина бор. Йил охиригача вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси яна етмишдан кўпроқ шундай машина олади.

ЕР УЧАСТКАСИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

АНДИЖОН вилояти Жалолқудуқ туманидаги Ойим жамоа хўжалиги раҳбарларининг қишлоқ аҳли йиғини томонидан қўллаб-қувватланган ташаббусига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлаган ҳар бир киши бу ерда ер участкаси олиши мумкин. Бунинг устига, унга савдо ва маиший хизмат иншоотларини тиклашда ёрдам берилади. Фақат битта шарт қўйилган — бино туман меъмори талаби асосида ва шарқ услубида қурилиши керак.

СЎНГГИ ЙИЛЛАР САМАРАСИ

***ПОЙДЕВОР** блоклари, шлакдан тайёрланган деворбоп ғиштлар, уй-жойлар орасига қўйиладиган плиталар, токзорлар учун бағазлар, ювилган қум, шағал, турли диаметрдаги қувурлар... — корхона жамоаси қўлидан чиқаётган маҳсулотлар рўйҳатини яна давом эттириш мумкин. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компаниясига қарашли Оҳангарондаги бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси бозор шароитларига ўтиш билан боғлиқ қийинчиликларни енгиб, ишнинг бир маромда боришини таъминламоқда.*

Сўнгги йилларда маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми ортди, сифати яхшиланди, қатор янги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай маҳсулотлардан республикамизнинг барча шаҳарлари ва қишлоқларида фойдаланиляпти. Айниқса, темир-бетон шпалларига эҳтиёж катта бўляпти. Ўзбекистонда пўлат йўлларнинг янги шахобчаларини қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш шуни тақозо этмоқда. Агар 1995 йилда жами 100 минг дона шундай маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилган бўлса, ўтган йили у бир ярим баравар атрофида ортди. Жами ишлаб чиқарилган темир-бетон шпаллари салкам 150 минг донага етди. Бу маҳсулотлар пойтахт вилояти, шунингдек Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Сирдарё вилоятларидаги мижозларга ҳам етказиб берилди. Бундай ўсишга барча шпал ишлаб чиқарувчи линияларнинг қувватидан унумли фойдаланиш ҳисобига эришилди. Ҳозирги вақтда корхонада шундай линиянинг учтаси мавжуд. Улар икки сменада ишлатиляпти.

Тадбиркорлик — иқтисодиётимиз келажаги

Энг харидоргир маҳсулот бўлган шпаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга Эркин Розиқов, Раиса Кравцовалар раҳбарлик қилаётган бригадалар қўшаётган ҳисса салмоқли бўлмоқда. Улар мураккаб асбоб-ускуналарни моҳирона бошқармоқдалар. Техник қаровни ўрнига қўйишяпти. Бу линияларнинг бутун сменалар давомида бир маромда ишлашига олиб келаяпти. Унумли ва сифатли ишлашдан эса ишчиларнинг ўзлари катта манфаат кўрмоқдалар. Улар маошларига қўшимча устама олмоқдалар. 1995 йилда жами олинган фойда миқдори 18 миллион сўмни ташкил этган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич янада яхшиланди.

Бирлашмада барча ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш учун бошланган кураш бир зум ҳам тинмаяпти. Шунинг учун бошқа бўлинмаларда ҳам маҳсулот тайёрлаш кўпайиб боряпти. Биргина ўтган йили ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми тахминан 30 фоиз кўпайди. Жамоа бундай кўрсаткичга яқин йилларда эришмаган эди.

Сўнгги йилларда қатор янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди. Уларнинг муайян қисми якка тартибда уйжой қурувчилар учун мўлжалланганлиги билан эътиборга лойиқдир. Жамоа буюртмачиларнинг илтимоси билан янги турдаги темир-бетон констукциялари ва буюмларини ишлаб чиқара бошлади. Масалан, ҳозирги вақтда бу ерда бемалол алоқа ва электр линиялари ускуналарини тайёрлаш мумкин. Бунинг учун буюртма бўлса кифоя.

Кейинги икки йилда барқарорликка эришган жамоа эндиликда янада юксак марраларни кўзламоқда. Агар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши 30 фоиз даражасида бўлиши таъминланса, корхонанинг рентабеллиги яна ортади. Бу ерда ишлаб чиқарилган ҳар бир сўмлик товар маҳсулоти учун ҳаражатларнинг 68,9 тийин бўлишига эришиш мўлжал қилиб қўйилган. Маҳсулот ҳажмини кўпайтириш учун янги ишлаб чиқариш майдонлари ёки ишчи кучларига ҳожат қолмайди.

Корхонадаги асбоб-ускуналарнинг анчагина қисми ҳам жисмонан, ҳам маънавий эскирган. Уларни янгилаш лозим. Бунинг учун эса етарли маблағ бор. Олинган фойданинг анчагина қисми шу мақсадларга ажратилди. Корхона маъмурияти зарур асбоб-ускуналарни харид қилиш ниятида. Шу мақсадда Россия Федерацияси, Украина ва Беларусдаги қатор корхоналар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Орловдаги пўлат-прокат заводи ҳамда «Череповецк металлургия заводи» ҳиссадорлик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Олинган фойда кўпайган сари бу мақсад учун, ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Кейинги икки йилда ана шу мақсадлар учун бир неча миллион сўм сарфланди. Бунинг ҳисобига ишчи-хизматчиларнинг маошлари оширилди, уларга турли хил моддий ёрдам бериш, устамалар тўлаш, мукофотлар билан тақдирлаш кўпайди, хизмат кўрсатувчи бўлинмалар барпо этилди. Қисқаси, жамоа аъзоларининг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қайта ускуналаш қатори ишчи хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, албатта, яхши самара беради. Бу амалда исботланган. Қаерда ижтимоий муҳофаза кучли бўлса, шу ерда меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Бирлашмада ана шу қоидага бундан буён ҳам қатъий амал қилинади, деб ўйлаймиз.

***И. АҲМЕТОВ,** «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.*

«АЛБО» СОВҒАЛАРИ

Олмаликда ишлаётган ўзбек-болгар «Албо» қўшма корхонаси Наврўз байрами муносабати билан турли совғалар тайёрлади. Улар аёлларнинг «Яшма», эркакларнинг «Темур» мойупалари, «Лимончалар» кир ювиш воситаси, болалар учун «Дино» тиш пастаси ва бошқалардир.

«Албо» маҳсулотлари Ўзбекистон бозорида севиб харид қилинмоқда. У арзон, хушбўй ҳиди бўлиб, табиий хом ашёдан тайёрланган. Айниқса, болалар ва катталар учун мўлжалланган тиш пастасига талаб катта. У сифат сертификатини олган. Пастада кариес касаллигининг олдини олувчи моддалар борлиги эътиборга моликдир.

Олмалиқ рўзғор химияси ва Болгариянинг Бургас шаҳри атир-упа фирмаси негизида вужудга келган бу янги корхона ходимлари яна кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида изланмоқдалар.

***СУРАТЛАРДА:** тиш пастаси ишлаб чиқарувчи бўлим бошлиғи Марина Сиротина ва таҳлилчи Альвина Вольф ҳамда оператор Ольга Майзик (ўнгда)ларни иш устида кўриб турибсиз.*

***Р. НУРИДДИНОВ** (ЎзА) олган суратлар.*

КИМОШДИ САВДОСИГА, МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилояти давлат мулк қўмитаси ва Тошкент вилоят кўчмас мулк биржаси қуйидаги автотранспорт воситаларини кимошди савдосига қўяди.

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ

Русуми тури	Дав. рақами	Баланс эгаси	Амалда юргани (км).	Чиқарилган йили	Бошланғич нархи (сўм).
1. ГАЗ-24-01	01-48 ТШО	Пискент тумани ҳокимияти	218435	1982	91500,0
2. РАФ-2203	45-41 ТШР	Тош.вилоят спорт қўмитаси	524328	1980	33100,0
3. УАЗ-469	21-74 ТНС	Тош.вилоят ҳокимлиги	61300	1992	103000,0
4. ГАЗ-24	18-93 ТША	Оҳангарондаги уй интернат	1000.000	1978	60000,0
5. УАЗ-396201	28-63 ТШМ	Оҳангарондаги уй интернат	560000	1985	45000,0
6. МАЗ-54323	59-89 ТШР	Сабзавот-полиз экинлари ЎзИТИ	495024	1989	142000,0
7. Т-28х4 МСІ тактори	42-62 ЕР	СНУВР «Махсус монтаж-қурилиш трести	—	1972	25000,0
ЖАМИ:					499600.

Савдо Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида 1997 йил 9 апрель куни соат 10.00 да бошланади.

СИЗ БИЗГА ЭШ БЎЛСАНГИЗ...

Мустақиллик халқимиз ижтимоий—сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришларни ғоявий жиҳатдан соғломлаштириш миллий удумларимиз, қадриятларимизни тиклаш, улардан унумли фойдаланиш учун замин тайёрлади.

Ҳозир маънавият ва миллий маданиятни ривожлантиришнинг тарихий манбалари, илдизларини бой маданий қадриятлар билан ҳар томонлама узвий равишда таҳлил ва тадқиқ этиб, кенг халқ оммасига етказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Худди шу борада бизнинг Ангрен шаҳар маънавият ва маърифат жамоатчилик марказимиз ҳам талайгина ишларни амалга оширмоқда. Ўтган йили шаҳар маданият бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» жамғармаси, халқ таълими бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда бир неча тадбирлар ўтказдик.

Шарқона урф-одатларга асосланиб, ёш келин-куёвларни никоҳдан ўтказиш бўйича ўтказилган вилоят танловида биринчи ўринни олдик. Шаҳримиз зиёлиларидан иборат лекторлар гуруҳини тузганмиз. Улар вақти-вақти билан хўжаликларда, корхона ва ташкилотларда бўлишиб, кенг халқ оммасига қонун ва фармонларни тарғиб этишмоқда.

Марказ эндиликда фақатгина тадбирлар, касбларга йўлловчи курслар ташкил этиш ишлари билангина шуғулланмаяпти. Биз ҳар бир ҳамшаҳримиз онгида миллий ғурур, қадриятларимизни янада жонлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Шу мақсадда маҳаллий телевидениеда «Маънавият» таҳририяти ташкил этилди. Январь ойида «Рамазон-муборак ой» кўрсатуви томошабинларга ҳавола этилди. Зиёлиларимизнинг ойнаи жаҳондаги чиқишлари шаҳримиз фуқароларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Шундай ишларни амалга оширишда бизга шаҳримиз каттакичик раҳбарлари ҳам эш бўлмоғи лозим. Чунки ҳалигача айрим корхона ва ташкилот, хўжалик бошлиқлари маънавий-маърифий ишларни иккинчи даражали вазифа деб қараб келишмоқда.

Қадрият

Республикамизда маънавият ва маърифат ўзининг нурли ва порлоқ йўлини топиб олди. Биз маънавият ходимларининг машаққатли, лекин халқ учун хизмат қиладиган касбимиз бор. Мен барча ҳамкасбларим шундай масъулиятли ишларни амалга оширишда фидойи бўлишларини истайман. Чунки айнан бизнинг бугунги қадамимиз эртанги кун учун муҳим пойдеворлардан бири бўлади.

***Абдуҳошим ЙЎЛДОШЕВ,** Ангрен шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази раиси.*

ОЛАРДА КИРАР ЖОНИМ, БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОНИМ-МИ?

Улар ҳақ гапни айтишяпти. Ахир не-не машаққатлар билан маҳсулот етиштириб, икки қўллаб топширсангу, бироқ, ҳақини ололмай сарсон-саргардон, хуноб бўлиб, асабийлашиб юрсанг. Бу ўта адолатсизлик эмасми? Очиғи, деҳқонларимиз билан аксарият ҳолда ана шундай ҳолат рўй бериб келди. Бу муаммони ҳал этмай туриб, бундан буён қишлоқ хўжалигида ишни ҳар жиҳатдан ривожлантириб бўлмайди. Шу туфайли ҳам юртбошимиз энди тузилган шартномага амал қилмайдиган, уни хўжакўрсинга тузган ва менсимай бузганларни қатъий жавобгарликка тортиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди.

— Аслида шундай бўлиши керак, — дейди Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли жамоа хўжалиги раиси Абдураҳим Абдураҳмонов. — Биздан тайёрловчилар ҳамон қарз бўлиб келишяпти. Хусусан, Янгийўлдаги биохимия заводи бизга 1 миллион сўм пул бериши керак. Янги Тошкент, худудимиздаги шароб ишлаб чиқаришга ихтисослашган Келес ҳиссадорлик жамияти ҳам хўжалигимиздан анча-мунча қарздор. Биз сўрашдан чарчамаймиз, улар турли баҳоналарни рўкач қилишдан чарчамайдилар. Оқибатда деҳқонга жабр бўляпти. Ўзингиз ўйланг, биз маҳсулотни топширганимизда бир килограмм гўштнинг бозор нархи 100-150 сўм эди. Ҳозир 250-300 сўмга чиқиб кетди.

Эндиликда бундай бўлишига асло йўл қўймаймиз. Биз энг аввало маҳсулот сифатига эътибор берамиз. Шундай қилсак, маҳсулотимиз туриб қолмайди, харидорлар ҳам топилаверади.

Дарҳақиқат, хўжаликда бу йил иш юритиш, меҳнатни ташкил этиш тубдан ўзгарди. Биринчи галда шартноманинг бажарилиши интизомига хўжаликнинг ўзида асос қўйилди. Шу мақсадда бригадалар билан пудратчилар ўртасида ички шартнома тузилди. Бу шартноманинг шартлари ва бандлари умумий йиғилишда муҳокама қилиниб, тасдиқланди. Унинг моҳияти нималадан иборат? Янгича тузилган шартномада бригадир бош пудратчи ҳисобланади. У хўжалик бошқаруви номидан иш юритиб, деҳқонларни керакли ўғит, уруғлик, техника ва бошқа воситалар билан таъминлайди. Оилавий пудратчилар эса ердан самарали фойдаланиб, сифатли маҳсулот етиштириш тўғрисидагина қайғурадилар. Деҳқончилик маданиятига алоҳида эътибор бериш шартноманинг асосий бандларидан ҳисобланади. Бундан ташқари пудратчи шартномага кўра хўжаликнинг умумий ишида қатнашиши ҳам керак. У белгиланган режадаги маҳсулотни 100 фоиз хўжаликка топширади. Хўжалик бу маҳсулотнинг сотилишидан тушган пулнинг 30 фоизини деҳқонларга иш ҳақи қилиб беради. Режадан ортиқча маҳсулотнинг 80 фоизини деҳқон хоҳласа натура ҳисобида, хоҳласа пул ҳисобида олиши мумкин.

Агарда бош пудратчи шартнома шартларини бажармаса пудратчи хўжалик тафтиш комиссиясига мурожаат қилади. У масалани ҳал қилиб беради. Ўз навбатида пудратчи шартнома бўйича белгиланган маҳсулотни кам топширадиган бўлса, ана шу камомаднинг қиймати ундан ундириб олинади.

— Биз ўйлаймизки, — дейди Абдураҳим ака, — бундай келишмовчиликлар бўлмайди, албатта. Чунки бошқарув икки томоннинг манфаатига бир хил, тенг кўз билан қарайди. Бу биз учун қонун.

— Деҳқон ва боғбонларнинг баракали ҳосил етиштиришларига ишончимиз комил. Лекин улар хўжаликка топширган маҳсулотни қай усулда истеъмолчига етказиб берасизлар? Бу йил тайёрловчилар, савдо идоралари билан шартномалар тузишга янгича ёндошиляптими?

— Албатта, — дейди Абдураҳим ака. — Ҳозиргача Келес шароб ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, Тошкент консерва заводи, вилоят дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонаси билан шартномалар имзоланди. Лекин Собир Раҳимов тумани улгуржи савдо идораси раҳбарлари ҳам биз билан тортиниброқ шартнома тузишди. Буни тушунса бўлади, албатта. Чунки, қайси корхона, қайси ташкилот билан шартнома тузмайлик, улар оладиган маҳсулотларига аввалдан 25 фоиз ҳақни ўтказишлари шарт. Кейин эса босқичма-босқич биз билан ҳисоб-китоб қиладилар. Бу йил ана шу тартибга қатъий амал қилинади.

Бундан ташқари етиштириладиган узум маҳсулотининг озроқ қисмини ўзимизда янгидан ишга туширилган қайта ишлаш цехида, мева-чеванинг бир қисмини ҳам ўзимизнинг консерва корхонамизда қайта ишлаймиз. Кейинчалик бу цехларнинг қуввати кенгайиб боради.

— Фирма магазинларингиз йўқми?

— Бир маҳалда бўлган. Лекин улар туман агрофирмаси ҳисобига ўтказилган. Кейин эса юқорининг талаби, тазйиқи билан хусусийлаштириб юборилган. Бу магазинлар халқнинг пешона тери билан топилган маблағ эвазига барпо қилинган эди. Ҳозирги пайтда жуда зарур бўлиб қолди бундай магазинлар. Уларни янгидан шаҳарнинг аҳоли гавжум жойларида қуриб ишга туширмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Бу ҳақда ўйлаяпмиз, имконият қидиряпмиз. Хуллас, бу йил ҳеч кимга текинга маҳсулот бермаймиз. Мабодо харидор топилмай, ўзимиздаги қайта ишлаш цехлари қуввати етмай қолса узумни магиз, мевачевани қоқи қиламиз.

Йўқ, энди бундай бўлмайди, деб айтишмоқда деҳқонлар, — шартнома ва унинг шартлари бажарилиши ҳақида гап бўлганида, — бундан буён сувни кўриб этик ечамиз. Маҳсулотимиз ҳақини вақтида беришга қурби етадиганлар билангина шартнома тузамиз.

Биз шу куни Тошкент туманидаги бошқа хўжаликлар деҳқонлари, раҳбарлари, мутахассислари билан суҳбатлашганимизда ҳам ана шунга ўхшаш фикр-мулоҳазаларни айтдилар. Биз бу мулоҳазаларни умумлаштириб туман бўйича шартнома тузиш ва шартларининг бажарилишини таъминлаш бўйича қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида гапириб беришни туман деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича нозири Қурбон Қаюмовдан илтимос қилдик.

— Менинг фикримча, — деди у, — тайёрлов ташкилотлари деҳқонлар етиштирадиган маҳсулотни қабул қилиб олиш ва ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш учун тайёр эмас! Мен демоқчиманки, тайёрловчи оладиган маҳсулоти учун олдиндан тўлайдиган 25 фоиз ҳақни топаолармикин?! Бундан ташқари маҳсулотни қабул қилиб олишда керак бўладиган ҳар хил идишлар ҳам етарли эмас, уларда. Шартнома шартлари бўйича харидор ўн кун олдин келиб, далани айланиб, маҳсулотни кўриб, бизга унисидан, бунисидан бунча керак, палон куни келиб олиб кетамиз, деб жадвал тузиши керак ва бу ваъдаларининг уддасидан чиқишлари шарт. Акс ҳолда деҳқонни овора, маҳсулотни эса «сарсон» қилиб қўйган бўладилар. Лекин ҳамма тайёрловчилар ҳам бундай қатъий ваъда бера оямайдилар. Охирини ўйлайдилар. Шунинг учун биз бу ҳолатни ҳисобга олишимиз, ўз ҳаракатимизни ўзимиз қилишимиз керак. Туман деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси мутасаддилари бу борада қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳозиргача айрим заводлар, корхоналар билан шартнома тузилди, лекин бу бизни қаноатлантирмайди. Ана шуни ҳисобга олиб туманга яқин бўлган Эскижўва, Олой, Юнусобод, Қорақамиш, Луначарское бозорлари маъмуриятлари билан шартнома туздик. Бугина эмас, уларни туманимизга таклиф қилиб, вақти-вақти билан суҳбат уюштирамиз, далаларни айлантириб, фикр-мулоҳазалари, таклифларини эшитамиз. Ана шунда бозор мутасаддилари деҳқонларнинг қанчалик машаққат билан маҳсулот етиштиришини ҳис қиладилар, шартнома шартларини бажарилиши учун икки томонлама ҳаракат бўлади. Бозорларда деҳқонлар хотиржам, бемалол савдо қилиш имкониятига эга бўладилар.

— Булар яхши, лекин, барибир, авжи пишиқчилик пайтида далаларда маҳсулот туриб қолмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди-да.

— Ана шу ўринда бизга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони жуда қўл келадиган бўлди. Унда деҳқонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кўрилган.

Энди бояги гапингизга жавоб. Биз кўпгина деҳқонлар, мутахассислар билан ўзаро суҳбатлашганда бир вақтлари фаолият кўрсатган тайёрлов ташкилотлари ҳар ҳолда деҳқоннинг оғирини енгил қиларди, дейишди. Лекин айрим қўли эгри, нопок одамларнинг касрига қолиб, бу ташкилотлар ёмон отлиққа чиқарилди. Бундай идораларни такомиллаштириб, ҳозирги шароитга мослаштириб, қайтадан тузилса бўлмасмикан, деб ўйлаб юрардик. Қарангки, бу қарорда ана шу саволимизга жавоб топилди. Унда шаҳарларда, туман марказларида, шаҳарчалар ва йирик қишлоқларда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгаларидан мева-сабзавот, гўшт, сут, ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шартнома асосида қабул қилиб олувчи пунктлар ташкил қилинсин, деб айтилган. Бу айни муддао бўлади. Биз ўз навбатида янгича шароитда янгича ишлаш, шартнома шартларининг бажарилишини тўла-тўкис таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўрамиз. Қарс икки қўлдан. Деҳқон ва тайёрловчи манфаатлари сира ҳам камситилмаган жойдагина қонунларга амал қилиб иш юритилсагина шартнома «ишлай»ди, қоғозда қолиб кетмайди. Биз шундай бўлади, деб умид қиламиз.

***Носир РИХСИЕВ,** «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.*

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Воқеалар тўлқинида

♦ 11 МАРТ КУНИ РФ Президенти Б. Ельцин ҳукумат қайтадан тузилади, деб эълон қилган эди. Шундан сўнг тез орада дастлабки тайинлашлар бўлиб ўтди. Президент маҳкамасининг раҳбари бўлиб ишлаётган А. Чубайс ҳамда Нижне-Новгород вилояти губернатори Б. Немцовлар бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари этиб тайинландилар. Ҳафта давомида эса ҳукуматнинг бошқа аъзолари ҳам ўз ўринларини эгалладилар. Шу тариқа янги ҳукумат ишга киришадиган бўлди.

♦ ҲАФТА бошида Белорусь пойтахти Минскда катта тўс-тўполонлар бўлиб ўтди. Уни мухолифатдаги Халқ фронти партияси ва бошқа сиёсий оқимлар Белоруссия Халқ Республикаси эълон қилинган куннинг 79 йиллиги муносабати билан уюштирдилар. Тўқнашувда жуда кўплаб киши хибсга олинди. Улар орасида АҚШнинг Белорусдаги элчихонаси ходими Серж Александров ҳам бор эди. Аввал жосус деб эълон қилинган дипломат тезда қамоқдан озод этилиб, мамлакатдан бадарға қилинди

♦ «НЕФТНИ озиқ-овқатга алмаштириш» шартномаси доирасига кирувчи дастлабки инсонпарварлик юклари Ироққа етиб келди.

♦ ПОЛЬШАДА энг олий — ўлим жазоси бекор қилинди. Парламент ўлим жазосини умрбод қамоқ билан алмаштиришни кўзда тутган янги жиноят кодексини тасдиқлади. Бу қонунни энди президент А. Квасьневский маъқуллаши лозим.

♦ КУБАДА ушбу давлатга нисбатан қўпорувчилик фаолияти кўрсатган деб айбланаётган АҚШ фуқароси Уолтер Ван дер Веернинг ишини тергов идоралари судга оширдилар. У Куба ҳудудида аксил-инқилобий ташвиқотлар олиб борган ҳамда давлат идораларига қарши террорчилик ҳуружларини амалга оширишга тайёргарлик кўрган экан.

♦ САЛЬВАДОРДА парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда собиқ Фарабундо Марти номидаги Миллий озодлик фронтининг собиқ партизанлари катта ғалабага эришдилар. МОФ раҳбарларидан бири — Эктор Сильва мамлакат пойтахти ҳокими этиб сайланди.

БМТ ВА ИСЛОҲОТ

МАЪЛУМКИ, энг йирик халқаро ҳамжамият — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти сўнгги йилларда айрим давлатлар томонидан танқид қилина бошланди. Чунки, мазкур ташкилотнинг тузилиш таркиби, молиявий маблағларни сарфлашдаги хатти-ҳаракатлари, ходимлар сонининг кўплиги, БМТнинг истиқболдаги тахминий қиёфаси кўпгина сиёсий арбоблар наздида салбий таассуротлар уйғотган эди. Шу боис кейинги пайтларда бу ташкилот фаолиятида ислоҳотлар ўтказиш аниқ бўлиб қолган эди. БМТнинг собиқ Бош котиби Бутрос Ғолийнинг ишдан кетиши, АҚШнинг ўзининг миллиард долларлардан зиёд қарзларини тўламаётганлиги баайни юқоридаги холатлар билан боғлиқ бўлди.

Йил бошида Бош котиблик вазифасини расман адо этишга киришган К. Аннан дарҳол кун тартибидаги долзарб масалалар — БМТ фаолиятини ислоҳ қилиш хусусида гапира бошлади. Бу борада кўпгина маслаҳатлар, учрашувлар ўтказди. Ниҳоят, у яқинда ушбу халқаро ҳамжамиятни ислоҳ қилиш дастурига тегишли ўз фикр-мулоҳазаларини аниқ баён этди.

Кофи Аннан Бош Ассамблеянинг бюджет (бешинчи) қўмитаси аъзолари билан бўлган мулоқотда 10 моддадан иборат маъмурий ислоҳот дастурини шарҳлаб берди. Унинг фикрича ислоҳотлар икки йўналишда — БМТнинг ҳозирги фаолияти ҳамда ушбу ташкилотга аъзо 185 мамлакатнинг ваколатларига кирувчи стратегик масалалар билан боғлиқ бўлади. Дастурнинг тўлиқ матни, К. Аннан фикрича, шу йилнинг июль ойларигача тайёр қилинади. Сўнгра у сентябрь-декабрь оралиғида бўлиб ўтадиган Бош Ассамблеянинг 52-сессиясида муҳокамага қўйилади.

Ҳозирча режалар қандай? Бўлажак икки йиллик бюджет айни пайтдагига нисбатан 123 миллион долларга камайтирилади. 1000 нафардан зиёд ходим қисқартирилади. БМТ фаолиятини аниқ бир мамлакатда мувофиқлаштириб турувчи БМТ гуруҳлари раҳбарлари мақоми, котибиятдаги иқтисодий ва ижтимоий бўлимлар мустаҳкамланади. Бош Ассамблеянинг ишлар бошқармасига техникавий ёрдам кўрсатиш жараёнлари соддалаштирилади. Жамоатчиликни хабардор қилиш бўлими янги — алоқа ва ахборот хизмати бўлимига айлантирилади. Маъмурий, молиявий, ходимлар, харид қилиш сингари бошқарув тизимларига жиддий ўзгартишлар киритилади. «БМТ ходимларининг ахлоқ кодекси» ишлаб чиқилади. Котибият тайёрлайдиган ҳужжатлар ҳажми 25 фоизга озайтирилади. Бошқа жиҳатлар дастурни такомиллаштириш жараёнида ўз аксини топади.

УЛТИМАТУМГА ҲАВШИ УЛТИМАТУМ

ОВРУПОДАГИ энг камбағал давлат — Албаниядаги тўс-тўполонлар ва қуролли тўқнашувлар ҳамон тинчигани йўқ. Мамлакат президенти Сали Береш уч йўналишда — муҳолифатдаги социалистик партия, қўзғолончилар ҳамда жиноятчи гуруҳлар билан кураш олиб бормоқда. У жанубий шаҳарларда тузилган 12 та ўзини ўзи ҳимоя қилиш қўмиталарига тезда қуролларни топшириш хусусида ультиматум йўллаган эди. Ундан натижа чиқмади. Уз навбатида исёнчилар С. Берешдан дарҳол истеъфога чиқишни талаб қилдилар.

Югославия оммавий ахборот воситалари Албаниянинг шимолий минтақаларидаги аҳволни кеҳ ёритмоқдалар. Нашрларнинг ёзишича, қуролли гуруҳлар аҳолини қийнамоқдалар, хонадонларни таламоқдалар, аслахахоналар, маъмурий идоралар, озиқ-овқат манбаларига босқин уюштирмоқдалар. Айни бир пайтда улар ўзларининг кичик давлатларини тузиш саъй-ҳаракатларини амалга оширмоқдалар.

Сўнгги ойларда биринчи марта айрим газеталар дунё юзини кўрди. Уларнинг бирортаси ҳам инқирознинг нима билан тугашини очиқ-ойдин айтиб бера олмаётир. Газеталарнинг ёзишларича, мамлакатдаги аҳвол қуйидагича: давлат бир неча минтақага парчаланди, Албания дунёдан ажралиб қолди, фуқаролар хавфсизлиги йўққа чиқарилди. Италияга ўтаётган қочоқлар сони тобора кўпаймоқда. Улар билан Италиянинг ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳаллий ҳокимиятлар, Қизил Хоч, саҳоват ташкилотлари машғул бўлмоқдалар.

Президент С. Береш ҳамда ўтиш даври Бош вазири Башким Фининнинг бошлари қотиб қолган. Улар қандай хатти-ҳаракат қилишларини билмаётирлар.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

♦ ТАБИАТДА энг мустаҳкам нарса — тропик ўргимчакларнинг тўр толаси эканлигини Франция олимлари аллақачоноқ кашф қилган эдилар. Лекин, уни кўплаб етиштириш ўта мушкул бир иш эди. Вайоминге дорилфунунининг тадқиқотчилари бундай толани бактериялар орқали етиштириш устида иш олиб бордилар ва сунъий ўргимчак толасини яратдилар. Уринишлар шу билан тўхтаб қолмади. Эндиликда мутахассислар ўргимчак ирсиятини ловия ўсимлигига ўтказиш устида бош қотирмоқдалар. Бундай «ловия толаси» XXI асрнинг энг қаттиқ ва пишиқ хом ашёсига айланади, деб кутилмоқда.

♦ «СПРУТ» номи билан жаҳон экранларига чиққан Италия фильмини ким билмайди, дейсиз? Бу туркумдаги кинокўрсатувларни бутун дунё ҳайрат билан томоша қилган эди. «Спрут» ўлмаган экан. Режиссёр Жакомо Баттиано айни кунларда навбатдаги «Спрут-8» фильмини тасвирга тушириб бўлди. Сценарийчилар эса шу йил ёзида суратга олинадиган «Спрут-9» матнини ниҳоясига етказдилар. Буларда Рауль Вова бош ролни ижро этмоқда.

♦ КОЛУМБИЯ пойтахтида 60 килограммдан зиёд динамит солинган юк автомашинаси портлатилди. Бу террорчилик хуружи оқибатида 10 киши ҳалок бўлди, 200 га яқин одам жароҳатланди. Ахборот воситаларининг фикрига қараганда, бу давлат маъмурий идоралари билан мафиячилар ўртасидаги кураш натижасидир.

♦ АМЕРИКА табобатининг отахонларидан бири, 76 яшар Карлтон Гайдушек 1976 йилда Янги Гвинея ва Микронезия аҳолисининг асаб тизимлари касалликларини ўрганишдаги кашфиётлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган эди. Кейинги йилларда Америкага К. Гайдушекнинг анча-мунча мижозлари кела бошлади. Уларнинг кўпчилиги ёш ўғил болалар ва қизчалар эди. Яқинда бу олимнинг хунук бир қилиғи фош этилди. У «мурғак даво изловчилар» билан жинсий алоқа қилишликда айбланди. К. Гайдушек гуноҳкор эканлигига иқрор бўлди. Энди у суд олдида жавоб беради.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ TV ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Барҳаёт сиймолар».
9.15 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 3-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Табиат шайдолари».
10.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Дастлабки пойга». Премьера.
10.35 «Фармон ва ижро».
11.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.30 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
12.10 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Тест синовлари — адолат мезони».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Ташаббус». Республика тадбиркорлар кўрик-танлови.
22.20 «Бу оқшом...»
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Хоразм» (Урганч). 2-тайм.
00.40 Тунги тароналар.
00.55—01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Тулпор».
18.55 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.15 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.45 Кундалик.
22.50 «Бебаҳо лаҳзалар».
23.00 «Спорт қитъаси».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 Эълонлар.
20.45 «Кругозор». Тележурнал.
21.05 «Бланш». Телесериал. 6-серия (Канада).
21.50 «Стадион». Телефильм.
*
22.00 — 22.20 Россия давлат телевидениеси.
*
22.20 «Денгизчи болалар». Телефильм.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.40 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
19.50 «Жаҳон».
20.10 Кечки сеанс. «Жен Эйр». Бадиий фильм.
21.40 «Спорт-тайм».
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05 «Бумеранг».
23.25 «Сўз — сизга».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик концерт.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Наврўз чечаклари».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 Инглиз тили.
*
11.30 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
12.00 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.
12.20 ЎзТВ хазинасидан. К. Аваз, И. Ниёзматов. «Жаббу Жўжакнинг ҳийласи». Видеофильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз—гижингтоймиз».
18.30 «Спорт, спорт, спорт».
18.50 «Саньаткор». Ўзбекистон халқ артисти Ғани Аъзамов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Альманах-ТВ».
21.50 Экранда — кинокомедия. «Омад ҳамиша келавермайди».
23.10 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Кинояйёра».
19.00 «Нафис мажлислар».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 ТВ плюс...
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.35 Кундалик.
22.40 «Спорт қитъаси».
23.10 «Акс».
23.30 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
23.50 — 24.00 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 Эълонлар.
20.45 «Бланш». Телесериал. 7-серия.
21.30 «Халқ қуйларини қалбингда сақла». Фильм-концерт.
*
22.00 — 22.20 Россия давлат телевидениеси.
*
22.20 «Моҳир қўллар», «Лофчи овчи». Қисқа метражли бадиий фильмлар.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатуви.
19.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Жонли тил».
21.35 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.55 Эълонлар.
22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.50 «Америкага бир назар».
23.15 «Бу — Хитой».
23.40 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Навбаҳор» тароналари.
8.50 «Альманах-ТВ».
9.20 «Меҳр нури». Телеочерк.
9.40 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Табиёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Кимё.
*
12.00 «Мақтанчоқ филча». Мультфильм.
12.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
12.35 «Орзулар оғушида». Бадиий фильм.
13.45 Футбол шарҳи.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хуш келибсиз». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дур...».
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.40 «Табаррук қадамжолар».
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.45 Кундалик.
22.50 «Зерикмай десангиз».
23.05 «Спорт қитъаси».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10—00.20 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 Эълонлар.
20.45 «Бланш». Телесериал. 8-серия.
21.30 «Шоҳсупа сари йўл».
*
22.00 — 22.20 Россия давлат телевидениеси.
*
22.20 «Тентек бўйлаб», «Матсалу қўриқхонаси». Телефильмлар.
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бизнен мирас».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Ҳамма кўриши шарт эмас».
21.15 «Экстремал ўйинлар».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Нафосат гулшани».
23.30 «Автосалтанат».
23.40 «Бу ажиб дунё».
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Излаган имкон топар...»
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 География.
12.00 «Бор эканда, йўқ экан...» Бадиий фильм.
13.25 «Соғлом авлод учун».
13.40 «Фарруҳ ва Зумрад». Мультфильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Йўллар ва ўйлар».
18.50 «Билиб қўйган яхши».
19.00 «Катта танаффус».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулҳай Каримовнинг янги қўшиқлари.
21.45 «Маърифатнома».
22.00 Хиванинг 2500 йиллигига. «Тарихингдур бир жаҳон...»
22.20 ЎзТВ хазинасидан. А. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига «Кеча ва кундуз» Видеофильм. 1-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Мақом куйлари.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Тулпор».
9.40 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.00 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Нафис мажлислар».
10.35 «Акс».
10.55 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
11.15 «Зерикмай десангиз».
11.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.45 «Дунё бўйлаб».
12.35 — 14.05 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 Оҳанглар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Яқинроқ тур».
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.50 Кундалик.
21.55 «Сеҳргар». Кўрсатув ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 «Спорт қитъаси».
00.10 — 00.20 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 Эълонлар.
20.45 «Нарзанлар водийси», «Ҳаёт негизи». Телефильмлар.
21.20 «Бланш». Телесериал. 9-серия.
*
22.00 — 22.20 Россия давлат телевидениеси.
*
22.20 «Илҳом». Телефильм.
22.40 Эълонлар.
22.45 — 22.50 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 «Айчурек».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Каталог».
21.10 «02 тўлқинида».
21.25 «Интер-спорт».
21.35 «Эллада».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Инспектор Фрост». Телесериал.
23.00 «Коктейль плюс».
23.30 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Пойтахт концерт залларида.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Лазиз».
9.05 «Юзма-юз».
9.25 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Афанди ва бой».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.
*
12.00 «Ҳалқ ижодиёти».
12.30 «Қизиқарли учрашувлар».
12.55 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
13.20 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Мутолаа».
19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол» телефестивали.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Аудитория».
21.50 «Таниш ва номаълум».
22.10 «Хуш келибсиз!»
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.15 Жаҳон спорти янгиликлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «МҲСК». 2-тайм.
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Бугуннинг боласи».
9.40 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
10.00 «Ҳавас—ТВ».
10.20 «Олтин кент».
10.35 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.00 Видео — «О».
12.40 — 13.10 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «XXI аср фарзандлари».
18.50 «Телевидение ва театр».
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
23.00 «Ханда дўкони».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10 — 00.20 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 Эълонлар
20.45 «Бланш». Телесериал. 10 ва 11-сериялар.
*
22.10 — 22.30 Россия давлат телевидениеси.
*
22.30 «Балиқчи қушлар». Телефильм.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IY

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Умид чечаклари».
20.05 «Оқ йўл!».
20.25 «Олам ва одам».
20.50 «Жума куни, ишдан сўнг».
21.30 «Сирдошим».
22.00 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Инспектор Фрост». Телесериал.
23.15 Араб эстрадаси.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Саёҳат». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Ёшлар билан».
10.50 «Хабарнома».
11.00 «Янги кун». «Томоша» болалар ансамблининг саҳналаштирилган янги концерт дастури.
12.00 «Ўзбекистон спорти».
12.20 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 22-қисм.
12.55 Эстрада қўшиқлари.
13.25 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
14.40—15.10 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 XII Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан.
18.35 «Бир қушиқ тугагунча».
18.50 Ўзбек спортининг олтин саҳифалари.
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бизнес-академия».
21.20 «Рақслар гулдастаси».
21.30 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
22.00 «Елғизгинам». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Усмонова.
22.35 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 23-қисм.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.10 «Мусиқали саёҳат».
23.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.45 «Элвис ва мен». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «XXI аср фарзандлари».
9.35 «Телевидение ва театр».
9.55 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40— 13.10 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Қулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.05 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эрталарга — шанба».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10—00.10 Видео—»О».

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.15 — 21.45 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.45 «Оскар-97». 1-қисм.
22.35 Эълонлар.
22.40 «Ёш Пикассо». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
23.20 — 23.40 «Афшона — Абу Али ибн Сино ватани». Телефильм.

IY

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Сукунат — олтин». Бадиий фильм.
10.55 Эълонлар.
11.00 «Рақслар қанотида».
11.30 «Шалом».
12.00 Шанба эртаги.
13.00 «Болалар дейишади...»
13.05 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.50 — 14.10 Корейс тилини ўрганамиз.
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Чинсэн».
20.30 «Спектаклдан сўнг».
20.55 «Болалар дейишади...»
21.00 Эълонлар.
21.05 «Тақдирлар».
21.35 «5 дақиқа ўзинг учун».
21.45 Кинонинг олтин асри. «Сўнгги аниқланган турар жой». Бадиий фильм.
23.25 «Хит-коллекция».
23.45 «Бу ажиб дунё».
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ҳамёндаги мўъжизалар ёки...»
11.15 «Пойинтар-сойинтар».
11.25 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 23-қисм.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 «Тухфа».
12.50 Келгуси ҳафтада.
13.05 «Бу мунис лаҳзалар».
13.25 «Прерия». Бадиий фильм.
14.55 «Интер-футбол».
15.30—15.35 «Тақвим».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун концерт.
18.15 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм 4-серия.
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Минбар».
21.15 «Мусиқа салтанати».
21.35 «Шахс ва баҳс».
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 24-қисм.
22.40 «Футбол олами».
23.10 «Келгуси ҳафтада».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Тунги сеанс. «Сўнгги пушаймон». Бадиий фильм.
01.25 «Тақвим».
01.30—01.40 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Табиат шифохонаси».
11.10 «Баҳор тароналари». Киноконцерт.
11.30 «Мафтункор чеҳралар».
11.55—13.35 Видео—»О».
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Мухлис—ТВ 2».
19.15 «Умрбоқий мерос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қўшиқлар жилоси».
20.20 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Глобус». Телеальманах.
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 Видео—»О».
23.50 «Даракчи». Қонун ҳимоясида.
24.00 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
00.05 «Мухлис—ТВ 2».
00.25 Дастур ниҳояси.

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
16.55 — 21.45 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.45 «Оскар-97». 2-қисм

ТУШИМДА ҚАЙТА КЎРМАДИМ...



Абдулла Қодирийни эслаб

... Уни япроқлар тўшалган чорбоғда оҳиста қадам ташлаётган кезда (тушимда) кўрдим. Салобатли, кенг пешонали, бошидаги дўпписи ўзига ярашган. Абдулла Қодирий қўлларини орқага қилганча ўткир нигоҳлари билан атрофга разм соларди. Мен эса уни кузатардим-у, аммо, олдига боролмасдим. Ҳатто, Қодирийнинг кўнглидан нима кечаётганлигини ҳам сезардим. У «барглар, эҳ барглар» дея ўйларди. Ким билсин, куз фасли барчага баробар айрилиқмикан? Барглар дарахтдан, дарахтлар эса барглардан айриладилар. Ёмғир-чи? Унга ҳам қийин. Не-не захматлар чекиб, энди булутга етганда, яна ерга қайтади. Ҳатто, қуёш норози. Ахир, қанча йўл босиб, ер юзини иссиқ ва кўринмас қўллари билан тутганда ботиши керак.

Турналарнинг овози эшитилади, булут ортидан «жанубга-жанубга-жанубга» деб чуғурлашадилар. Узоқ ўйга толган чинор. Чинор барги ёзилган инсон кафтидек, катта, тукли барг. Эҳ, сариқ, қизил, бинафша гуллар... Қачон улгурди экан... Бечора гуллар жигар ранг тусга кирибди, совуқ уларнинг нақ жигаридан уриб қўйибди-да.

«Шўро ҳукумати нима даъво қилаётганига эса ақлим етмайди. — дея ўйларди Абдулла Қодирий, — Ҳатто, мана буни ўйла, буни ўйлама, деб одамнинг ўй-фикрига ҳам чегара қўя бошлади. Фақатгина табиат ўз измидан кетяпти, шўронинг кучи табиат олдида ожиз, лекин, буларнинг шиори қатъий: «Табиатни бўйсундирамиз». Наҳотки шўролар «чиқ» деса қуёш осмонга лоп этиб чиқадиган даврлар келса. Йўқ, хом хаёл одамлар ана шу бўлмағур шиорлар ортидан эргашиб боришаётир. Шўро ҳукуматининг умри узоқ эмас, аммо, мен унинг заволидан баҳра ололмасам керак. Чунки, каминага ҳам асар буюртма қилишяпти, воқеа, ҳодиса, моҳияти... Мазмунигача айтиб беришди. Уни қоғозга туширсам, бас, қалам ҳақи тайин, афсуски, ҳаром пул. Гап шундаки, фикр шўроларники, сиёҳ бизники, асар мазмуни ҳам шўроларнинг хом хаёлидан кечган воқеа, менинг кўнглимдан тўкилган дардлар эмас. Шундай бўлгач, Абдулла Қодирий деб муаллифлик имзосини чекдим нима-ю, Эшмат, Мамарайим деб тахаллус қўйдим нима, икки ўн беш бир ўттиз. Шўролар аралашаётган соҳалар кўпайди, нимани ўқиш, нимани ўқимасликни ҳам тавсия қилишяпти. Кўнглинг тусаса, тусамаса кўрсатма билан ёктирган таомингни ейишга мажбурсан!..

Чойхонага чиқиб одамлар билан бундай гурунглашаман деб гузарга борсам, ҳеч ким йўқ. Чойхоначининг ҳам шашти паст, наридан бери кўл учида уринган киши бўлиб юрибди. Чорпояларга чанг қўнган, тўрқовоқлар кўринмайди. Ҳовли супурилмаган. Кўча айланиш учун ортимга қайтдим. Одамлар шунчаки саломалик билан ўтиб кетишяпти. Бошлари солиқ. Кайфиятлари йўқ. Анҳоргина шўх-шодон, ҳайқириб оқмоқда. Унга бўй эгган сада-ю қайрағоч, тол-у тераклар ҳам ғамгин. Табиат-ку, қовоқ солгани билан борйўғи ё ёмғир, ё қор, ёки чанг, тўзон кўтарилади, холос. Шўро ҳукумати нима берарким? Хозирча ғийбат, бир-бирига тезлаш, қорани оқ кўрсатиш...

Мени ҳам бир қўр сўровдан ўтказиб, ўзларича «таҳлил» қилишди. «Худога ишонасизми?» — деган саволни ҳам беришди. Қирқ йиллик эътиқодим билан уларнинг нима иши бор? Ишонаман, дедим. Тобора ёлғизланиб боряпман. Кимга нимани гапиришни ҳам билмайсан. Шу кетишда одамлар ўтир деса ёппасига ўтирадиган, ёт деса ёппасига ётадиган манқурт бўладими, дейман. Ахир, менинг Ватаним, туғилиб ўсган қадрдон масканим деган муқаддас туйғуга ҳам дарз кетди. «Ўзбекистон — менинг ватаним, деб кўринг, товба», — дея Абдулла Қодирий бошини солинтирган қўйи хазонлар оралаб юради.

Тўсатдан анҳор томонга бурилдик. Сувнинг юзида минглаб муқаддас китоблар оқиб келарди. Қодирий зудлик билан анҳорга таёқ ташлаб «Мухтасар» ва «Қуръони Карим»ларни тортиб олди. Олди-ю, кўзига суртди.

Кўприкнинг устида эса шапка кийган қанақадир кимса Қодирийнинг ҳаракатларини кузатарди. Қодирийнинг дилидагини яна ўқий бошладим. «Ҳов, шапка, анҳордан мен ўлжамни олдим, аммо, илғадимки, сен ҳам «ўлжа» тутдинг. Майли, орқамдан тушсанг, туша қол, барибир азиз китобларни уйга олиб бораман. Сен шапкавой, зотингга тортасан, ахир, ит вафо дейишади-ку. Қани бир вафодорлик билан уйимгача кузатиб кўй-чи...

Ўз юртингда бўлсанг мусофир,
Сиғмай қолсанг ҳеч жойга ахир,
Яшаш нечун бунчалар оғир,
Мусофир юрт тупроқларида.

Наҳотки, шу китобни олганим ҳам гуноҳ саналса... Келяпти, келяпти, «вафодор»... Кўнглим кенг, бағрим осмон. Шу пайтгача виждонга хилоф бирор иш қилмадим... «Ўтган кунлар»ни ёзганимга ҳам бор — йўғи 2 минг сўм қалам ҳаққи беришди... Қадр-қиммат, эъзоз... Майли, худо етказсин. Куним буларга қолмасин. Илло, тезроқ баҳор келсин, кўклам ёмғири... Топ-тоза, ғуборсиз баргдан сирғалиб томчига айланади ва шу он бирдан қуёш чарақлайди. Ана шу томчи ёқутга ўхшаб товланади...

Ўрикнинг баргида осилган,
Ёмғирнинг томчиси — кўзларим.
Эй, шамол, силкитманг, сизга ҳеч.
Кор қилмас ҳасратли сўзларим.

Гул бўлиб очилмоқ қасдида,
Тиконга тан қўйган ғунчаман.
Буюксиз шамоллар, аслида.
Кўрингиз, бор-йўғи ғунчаман.

Аянчли чирмашиб ҳаётга,
Қуёшдан ҳарорат кутарман.
Гар кўрсам қуёшнинг юзини,
Ўшал он оламдан ўтарман.

Тақдирнинг шундайин тақдими,
Турибман, қаршингда ноқулай.
Майлига, отақол тупроққа,
Сингиган бир қаро кўз бўлай...

... Шу шеър Қодирийнинг дилидан чиқдими ёки у ёддан ўқидими, билмадим. Фақат қаёқдандир шу шеър жаранглаётган вақтда ногоҳ уйғондим. Кейин ҳарчанд уринмай, тушимда Қодирийни қайтиб кўрмадим...

ТЎЛҚИН ЁРҚУЛОВ,
журналист.

Футбол

КУЧГА ИШОНИЛСА, ҒАЛАБА КЕЛАВЕРАДИ

УЧ ТУРДАН СЎНГ ТУРНИР ЖАДВАЛИДАГИ ВАЗИЯТ ҚУЙИДАГИЧА:

ЖАМОАЛАР	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т/Н	О.
МҲСК	3	3	0	0	8-3	9
«Пахтакор»	3	3	0	0	6-1	9
«Нефтчи»	3	2	1	0	6-2	7
«Трактор»	3	2	1	0	4-0	7
«Дўстлик»	3	2	0	1	7-3	6
«Навбаҳор»	3	2	0	1	4-3	6
«Атласчи»	3	1	1	1	5-4	4
«Афросиёб»	3	1	1	1	3-4	4
«Чилонзор»	2	1	0	1	1-1	3
«Косонсой»	3	1	0	2	2-2	3
«Андижон»	3	1	0	2	3-4	3
«Сўғдиёна»	3	1	0	2	2-6	3
«Бухоро»	3	1	0	2	3-6	3
«Зарафшон»	3	0	1	2	3-6	1
«Насаф»	3	0	1	2	2-6	1
«Янгиер»	2	0	0	2	0-3	0
«Хоразм»	2	0	0	2	0-5	0
«Сурхон»	0	0	0	0	0-0	0

Навбатдаги тўртинчи босқич ўйинлари 30-31 март кунлари бўлиб ўтади. «Дўстлик» эртага Самарқандда «Афросиёб»га қарши майдонга тушади. Шу турдан бошлаб Термизнинг «Сурхон» жамоаси ҳам баҳсларга қўшилади.

КУЧЛИ ҳамиша кучлилигини қилади. Бироқ, омад деган гап ҳам бор. Гоҳида кучлилардан омад юз ўгиради. Ана шунда руҳан тушмаслик керак. «Дўстлик» жамоаси Фарғонада «Нефтчи»га қарши бўлган учрашувда тўла устунлик қилди. Бироқ ўйинни 1:2 ҳисобида бой берди. Ҳа, алам қилса, арзийдиган мағлубият. Лекин, йигитлар жонини жабборга бериб ўйнадилар ва бунинг эвазига мукофотга сазовор бўлдилар. Мағлубиятга... мукофот. Бу нимаси, деб ҳайрон бўлаяпсизми? «Нефтчи» — «Дўстлик» учрашуви тугагач Фарғонада кучлиларга тан берадиган мард муҳислар топилди. Улар вилоятимиз футболчиларининг чиройли ўйинидан мамнун бўлишиб, олқишлар билан кузатишди.

Жамоа бош мураббийси Маҳмуд Раҳимовни Фарғонадан қайтгач Ўзбекистон футбол федерациясида учратиб, суҳбатда бўлдик. Унинг ҳафа эканлиги сезилиб турарди. Бироқ, йигитларнинг ўйинидан мамнун эканлигини айтганда биз унга далда бериб, «энг муҳими яхши ўйин кўрсатилса, ютуқ ҳам бўлиши»ни айтдик.

— Қараб туринг, «Нефтчи» ҳадемай қоқилади. Ўйини зўр эмас, — деди суҳбатдошимиз биз билан хайрлашар экан.

Бу «башорат» кейинги турдаёқ маълум бўлди, қолди. «Нефтчи» ғалдаги учрашувни олий табақанинг янги аъзоси бўлмиш «Зарафшон» билан ўтказиб, аранг дуранг натижага эриша олди. 12-дақиқада Ж. Акбаров фарғоналикларни доғда қолдириб, чиройли тўп киритди. Фақат 57-дақиқага борганда С. Атоян вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлди.

Ўтган йилги биринчилик ғолиблари «Навбаҳор» ҳам, «Нефтчи» ҳам дастлабки турлардаёқ очко йўқотдилар. Ўз майдонида «Андижон» жамоаси билан бўлган учрашувнинг 21-дақиқасида чемпионлар ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбордилар. Бироқ, кейинчалик В. Келдиев ва Қ. Абдуқодировлар 2 та тўп киритиб, «Навбаҳор» ғалабасини таъминлашга муваффақ бўлишди.

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси Жиззахнинг «Сўғдиёна» клубини қабул қилди. Жамоа сардори Юрий Винтовкин Фарғонада бўлган учрашувда жароҳат олганлиги туфайли заҳирадаги ўйинчилар қаторидан жой олди. Унинг ўрнини Анатолий Хилов эгаллади. Учрашув майдон эгаларининг ҳужуми билан бошланди ва бу устунлик ўйин охиригача давом этди. Фарид Хабибулиннинг 13-дақиқада киритган чиройли тўпи, сўнгра Павел Жалиловнинг 25 метрлар чамасидан тепган жарима тўпи ҳам муҳлисларга манзур бўлди. 54-дақиқада Жаъфар Ирисметов (11 метрдан) ва 80-дақиқада Ринат Халиулин киритган тўплар майдон эгалари устунлигининг интиҳоси бўлди. Меҳмонлар вақтиваҳти билан уюштирган ҳужумларини ҳимоячиларимиз ва дарвозабон Герман Безденежних осонликча бартараф эта олишди.

Мазкур турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Пахтакор» — «Янгиер»—2:0, «Насаф» — «Афросиёб» — 1:1, «Атласчи» — «Бухоро» — 3:0, «Косонсой» — МҲСК — 0:1, «Хоразм» — «Трактор»—0:3.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ЯНА БОТУЛИЗМ КАСАЛЛИГИ ҲАҚИДА

Кейинги пайтларда таомлардан заҳарланиш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотлари, хусусан, бақлажон маҳсулотларини истеъмол қилиш ботулизм касаллигини келтириб чиқармоқда.

1994-1995 йиллар давомида вилоятимизда 24 ҳолат қайд қилиниб, касалликлар сони 74 тага етган ва улардан 8 таси ўлим билан тугаган эди. Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлиқ, Зангиота, Ўртачирчиқ ва Чиноз туманларида бундай ҳодисалар кўпроқ учради. 1996 йил мобайнида эса 10 та ҳолат рўйхатга олинди, 44 нафар одам ботулизм билан касалланди. Булардан 5 таси шифокорга кечикиб мурожаат қилгани оқибатида оламдан кўз юмди. 1997 йилнинг икки ойи мобайнида 2 та шундай хасталик рўйхатга олинди.

Айтганимиздек, ботулизм билан оғришга уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотлари, асосан, бақлажон икраси, томат, бодринг каби технологик жараёнларга риоя қилинмасдан тайёрланган тузламалар сабаб бўлмоқда.

Шифокор огоҳлантиради

Ботулизм касаллигини 6 турдаги ботулин таёқчалари келтириб чиқаради. Улар ҳаво кирмайдиган идишлардаги маҳсулотларда ривожланади, етарли шароит бўлмаган ҳолларда споралар ҳосил қилади. Споралар ҳолидаги ботулизм касаллиги қўзғатувчилари табиатда кенг тарқалган бўлиб, улар фаолиятини бир неча йил давомида сақлаб қолади. Споралар 120 даража иссиқликда ҳалоқ бўлиши мумкин, холос.

Ўсимлик маҳсулотлари — сабзавот, мевалар, қўзиқорин ва бошқаларга споралар тупроқ орқали тушади. Тупроққа эса споралар зарарсизлантирилмаган хайвон ғўнглари ва ахлат орқали ўтади. Ботулизм таёқчалари балиқ, ғўштларнинг қалин мушак жойларида, қайнатиб тайёрланган колбаса, яхши қайнатилмаган консерваларда тез ривожланиб, токсин моддаси ажратиб чиқарадилар. Токсин бактериологик жиҳатдан ўта кучли унсур хисобланиб, кислота, туз ва бошқа консервантларга ўта чидамли бўлади. Мазкур токсин қайнатилганда 15 дақиқада, 80 даража иссиқликда эса 30 дақиқа ичида парчаланиши мумкин. Ғўшт ва балиқ бўлакчаларини 50-60 дақиқа вақт ичида қайнатиш токсиннинг таъсирчанлигини тўла бартараф этади.

Консерваларнинг қопқоғи кўтарилган бўлса, бундай идишларга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Консерва маҳсулотларининг қопқоғи шишганда, ундаги махсулотлар бўшашади, ичи хиралашади, тайёрламанинг ранги ўзгариб, ачимсиқ хид пайдо бўлади.

Зарарланган маҳсулотлар истеъмол қилингандан сўнг орадан 6-7 соат ўтгач, хуруж бошланади. Токсин қонга ошқозон-ичак йўллари орқали сўрилиб, бош мия тўқималари, асаб тизими, ҳаракат бўлинмалари, томирларни зарарлайди.

Касалланган одамда ҳаракат сусаяди, мушаклар бўшашади, бош айланиб оғрийди, иштаха ёмонлашади, оғиз бўшлиғи қуриб, чанқоқ бўлади. Энг ёмони тана ҳарорати меъёридан ошмайди, кейинчалик асаб касалликлари белгилари пайдо бўлади, яъни кўз хиралашади, буюмлар иккита бўлиб кўринади, кўз қорачиғи кенгаяди.

Юз асабларида бузилиш, ютишнинг қийинлашуви, гапнинг ноаниқлиги, юришнинг ўзгариши каби белгилар ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Касаллик ўта оғир кечганда нафас олиш ўта қийинлашади ёхуд тўхтаб қолади. Ўлим юз беради.

Тиббий ёрдамга ўз вақтида ва тез мурожаат қилишга хасталанган беморларни ўлимдан сақлаб қолиши мумкин.

Ботулизм билан касалланмаслик учун қуйидаги маслаҳатларга риоя қилиши фақат наф келтиради:

— уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотларини паст хароратли жойларда (музлатгич, ертўла)да сақлаш керак;

— махсулот ташқи кўриниши бузилмаган бўлса, уни яхшилаб иситиш ёки қайнатиб истеъмол қилиш лозим;

— консерва маҳсулотлари хиралашган бўлса, уни истеъмол қилмай, ярим тайёр масаллиқ сифатида ишлатиш мумкин.

— яхшиси, уй шароитида гўшт, балиқ, қўзиқоринлардан консервалар тайёрламанг;

— балиқ дудлаш учун санитария-технологик шароитлар бўлмаган тақдирда балиқ дудлаш тавсия қилинмайди;

— худди шундай маслаҳат уй шароитида тайёрланадиган колбасаларга ҳам тааллуқлидир;

— уй шароитида тайёрланган консервалар, дудланган гўшт ва балиқларни сотиб олманг;

— кейинги вақтларда уйда тайёрланган озиқ-овқатлар — хоним, норин, манти, қандолат маҳсулотлари дуч келган жойларда сотилмоқда. Бундай таомларни харид қилманг.

Рауф ҚОСИМОВ,
вилоят бош давлат санитария шифокори.

Об-ҳаво

БАҲОРНИНГ ЁҚИМЛИ ЁМҒИРИ

29 мартдан 2 апрелгача пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво булутли бўлиши ва айрим кунлари ёмғир ёғиши кутилади. Ҳарорат кечаси 5 даража илиқдан 10 даражагача, кундузлари 12-17 ва 21-26 даража ўртасида бўлади.

Вилоят ички ишлар бошқармаси хабар қилади

ЯХШИСИ — ОВ, ЁМОНИ — ЁВ

ҚИЗИҚ, ҳар кимда бир эрмак бўлади. Кимдир танга йиғса, кимдир марка ишқибози. Айримлар спорт билан шуғулланишни афзал кўради. Қисқаси, ҳар кимда бир нарсага мойиллик уйғонади. Овчилар ҳам ана шундай тоифа кишилардан. Бироқ, овни милтиқсиз тасаввур этиш қийин. Овга рухсат бор, аммо, унинг қонуний бўлиши турган гап. «Аслаҳа», «Тозалаш» тадбирлари эса кўпчиликнинг ов қуроллари сақлаш тартиб-қоидаларига амал қилмаётганликларини кўрсатди.

Шу йил 3 март куни Қуйичирчиқ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги таянч масканида 10 Е 50—53 русумли «Тико» автомашинаси текшириш учун тўхтатилди. Буни қарангки, икки оғайни рухсати бўлмаган ҳолда 16 калибрли бир оғизли ҳамда қўшотар ов милтиқлари билан шикорга отланишган экан. Тошкент шаҳрида яшовчи Б. Ли ва Г. Намлар айни кунларда қуролларни қаердан олганликлари тўғрисида тергов бермоқдалар.

Умуман, ўтказилган тадбирлар давомида вилоятимизда истиқомат қилувчи ов қуроли сақлашга рухсати бўлган 4 мингдан зиёд киши текширилди. Аслида улар овчилар жамиятининг аъзолари, қуролдан фойдаланиш, уни сақлаш бўйича махсус тайёргарлиги бор шахслар бўлиши лозим эди. Лекин, бундай бўлиб чиқмади. Текширувда уларнинг ҳар тўрттасидан бири тартиб-қоидаларни бузганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Натижада, 200 га яқин ноқонуний равишда сақланаётган қуроллар тортиб олинди, бу ҳолатлар бўйича жиноий ишлар қўзғатилди. Қуролга нисбатан бефарқлик оила аъзолари учун ташвиш келтираётганлиги ҳам маълум бўлди. Масалан, Олмалиқ шаҳрида яшовчи А. Рустам қайфу-сафо устида ўз меҳмонини отиб қўйди. Қибрай туманида яшовчи А. Шерзодовлар оиласида ҳам нохуш воқеа юз берди. Ота яшириб қўйган ов милтиғини топиб олган икки ўғил уни талашиб, бир-бирини жароҳатлади. Бу ҳам холва. Янгийўл туманининг Ниёзбош қўрғонида истиқомат қилувчи Фурқат А. уйидан «макаров» русумли тўппонча 7 та ўқи билан топиб олинди. Айни пайтда ушбу иш бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини ов қуроллари билан боғлиқ бўлган ҳодисалар жиддий ташвишга солмоқда. Чунки, бу йил бундай қоидабузарликлар озайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Овнинг яхшиси — ов, ёмони — ёв, деган нақл бор. Бизнинг мақсадимиз ов ишқибозларини кўнгилочар машғулотларидан маҳрум этиш эмас, аксинча, уларга ов қуролларини сақлашда ўта сергак бўлишларини яна бир бор эслатиб ўтишдир.

СОХТА УСТАНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

БЕКОБОД туманидаги «Далварзин» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Н. У. тезда бойиб кетиш йўлларини узоқ излади. Ниҳоят, қалтис бир ишга қўл урди. У ўз уйида ҳайдовчиларнинг қалбаки гувоҳномаларини тайёрлашга киришди. Оқибатда бир неча «маҳсулот» «учирма» қилинди. Аммо, сохта устанинг миси тезда чиқиб қолди. У қўлга тушди. Айни кунларда фирибгар тадбиркор қонун олдида жавоб бермоқда.

ОЧКЎЗЛИК

ҚИНҒИР йўл ҳамиша панд беради. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бўстонлиқ туманида бинойидек ишлаб юрган Ҳикматилла Й. дафъатан гумроҳлик оғушига тушди. Маҳалладоши А. Усмонов уйига кирган «шоввоз» бир эмас, икки велосипедни етаклаб, жўнаб қолди. Тунда осойишталик посбонлари шубҳасини уйғотган «сайёҳ» нима дейишини билмай, тили айланмай қолди... Энди у қилмишига яраша жазо олади.

ОМБОР ТУЗОҚҚА АЙЛАНДИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳрида яшовчи Тўлқин О. ва Александр М. лар давлат корхонаси омборидан 30 минг сўмлик буюмларни олиб чиқиб кетишни режалаштирдилар. Тунда томдан ичкарига кирган ўғрилар ундан қайтиб чиқа олмадилар. Автомобиль балонларини эплай олмай турганларида шаҳар ИИБ ходимлари уларни жиноят устида қўлга тушиردилар.

АРЗИМАС НАРСА ДЕБ...

АФСУСКИ, ахён-ахёнда бўлса ҳам орамизда инсонийлик қиёфасини йўқотиб қўйган шахслар учраб турипти. Б. К. ана шундай кимсалардан бўлиб чиқди. Тошкент туманида яшовчи М. И. уйига кирганнияти бузуқ йигит арзимас нарсалар — эски «Рубин» телевизори, стабилизатор ва битта чойшаб учун уй бекасини ўлдириб кетди. Лекин, қотил узоққа бора олмади. Тезкор гуруҳ аъзолари уни ашёвий далиллар билан қўлга олдилар. Жиноятчи шубҳасиз тез кунда одил суд олдида жавоб беради.

Рустам ЁДГОРОВ,
Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

— СУМАЛАКДАН БИТТА ЯЛАТВО-О-ОР...

Даврон АҲМАД олган сурат.

ТУРФА ОЛАМ

САФАРДА ҲАММАСИ КЕРАК

Йирик давлатлар раҳбарлари бирор мамлакатга расмий ташриф билан борганида самолёт нечта керак бўлади, деган савол барчани қизиқтириши табиий.

Одатда АҚШ Президенти Билл Клинтон 300 нафардан зиёд расмий шахсдан ташқари, 300 га яқин журналист ва 200 нафар қўриқчиси билан сафарга чиқади. Унинг шу йил май ойида Бразилияга қиладиган ташрифи қуйидагича ташкил этилаётир: иқки йўловчи самолёт делегация аъзолари ва қўриқчилар учун ажратилади, 5 тонна озиқ-овқат, 30 тонна алоқа хизматига қарашли асбоб-ускуна ҳамда ўқ ўтказмайдиган иккита автомобил учун яна учта юк самолёти хизмат қилади. Б. Клинтоннинг ўзи эса 12 кишилик мажлислар зали, шинам ётоқхонаси ва жарроҳлик амалиёти ўтказиш мумкин бўлган тиббий марказга эга «Президент самолёти»да сафар қилади.

ЁЛҒОНЧИЛАР ЁЛҒОНЧИСИ

Бундан роппа-роса икки юз йил аввал Германиянинг Боденвердер шаҳарчасида «Ёлғончилар ёлғончиси» сифатида бутун дунёга танилган бир инсон ҳаётдан кўз юмганди...

Икки юз йилдирки, у ҳақдаги қизиқарли ҳангомалар ўқувчилар ҳаёлини банд қилиб келади. Лекин, у бошдан кечирган воқеалар ҳаётий қонуниятлардан шу қадар йироққи, баъзида китобхон бундай одамнинг бўлган-бўлмаганига шубҳа билан қарайди. Бироқ мўъжазгина Боденвердерда ана шундай инсон яшагани ҳақиқат. У дўстлари, қадрдонлари ёки шунчаки улфатлар даврасида ўтирган пайтда ақл бовар қилмас воқеалар ва турфа қизиқ ҳангомалар айтиб, ҳаммани ўз оғзига қаратишни ҳуш кўрадиган немис зодагони — Карл Фридрих Иероним фон Мюнхаузен эди.

МОВИЙ КЎЗ — УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Бугун 122 ёшини нишонлаётган Жанна Кальман туғилганда жаҳонга машҳур Эйфель минораси ҳали қурилмаган эди. Жанна Франциянинг йигирмадан зиёд раҳбарини кўрди, учинчи республикадан тортиб, бешинчи республикага қадар бўлган даврни босиб ўтди. Хуллас, Франциянинг энг янги тарихи Жанна хоним кўз ўнгида шаклланди.

Айни пайтда табиблар Жанна Кальманнинг узоқ умр кўриш сири билан қизиқмоқда. Айрим мутахассисларнинг фикрича, Жанна қон босимининг барқарорлиги ва мовий кўзлари туфайли юз ёшдан ошган. Чунки, ана шундай ҳислатли кишилар одатда узоқ умр кўрар экан. Жаннанинг энг катта орзуси XXI аср баҳорини қаршилаш. Лекин калта юбка кийиш унинг ягона армони бўлиб қолди. Чунки бундай «Олий мода» гуллаган олтмишинчи йилларда у, аллақачон, тўқсон ёшни «уриб» қўйган эди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0146. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 17.693 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 18.00.